Аукцион савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закатал келишув шартномасига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини тўланганини тасдиқловчи ҳужжат

билан бирга қўйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдода иштирок этувчи талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, яқшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш кунини олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо фойлига аукцион савдо натижалари бўйича фойлибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 банк кунини ичиде савдо ташкилотчисининг ҳисоб рақамига мулк сотув қийматидан 3 фоиз миқдорда пул маблағи тўлаб бериш ва 10 кун ичиде савдо билан олди-сотди шартномаси имзоланган мажбурияти юклатилади. Кўчмас


мулклар учун тўловлар амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Закатал пулини тўлаш учун реқвизитлар: "BANYAN" МЧЖ, АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими х/р 2020 8000 3007 5716 6001 МФО 01125 СТИР 304 802 952.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 1-А' уй.

Телефон: 71-207-25-53.



ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН,

Айни кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида энг улуғ, энг азиз байрам – **Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 32 йиллигига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.** Тўйга тўёна билан деганларидек, байрам тараддуди муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг барча шаҳар ва туманлари, овуллари ҳамда чекка қишлоқларида янги иншоотлар барпо этилиб, халқимизга фойдаланиш учун топшириляпти. Қилинаётган барча саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, инсон қадр, унинг яхши яшаши учун шароит яратиш тамойили мавжуд. Куйида юртимиз ҳудудларида байрам арафасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги хабарлар билан танишишингиз мумкин.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

МУСТАҚИЛЛИК ИНШООТЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Шухрат НОРМУРОДОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Мустақиллигимизнинг 32 йиллик байрами шуқуҳи кезиб юрган шундай қувончли кунларда Қашқадарё вилояти бўйлаб "Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!" шиори остида янгидан янги бинолар, қурилиши аяқланган объектларнинг очилиш маросимлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Янгиланган тиббиёт биноси

Истиқлол шодиёналари арафасида Нишон тумани тиббиёт бирлашмасининг янги биноси очилиш ҳам маҳаллий аҳоли учун муносиб тўйга бўлди.

Замонавий кўринишда таъмирланиб, бизгун аҳолига сифатли хизмат қилишга шай турган марказий шифохонанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Муротжон Азимов, тиббиёт соҳаси вакиллари, нуронийлар, туман аҳли ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими бу ерда беморларга аниқ ташхис қўйиш учун энг сўнгги русумдаги рентген, УЗИ, ЭКГ ускуналари ўрнатилгани ва маънавий муваққатлар етарли экани халқимизга янада энгиллик яратишини таъкидлади.

Тиббиёт бирлашмасининг 5 қаватли, 290 ўринли биноси 1985 йилда ишга туширилган эди. Инвестиция дастури асосида бинони капитал таъмирлаш мақсадида давлат бюджетидан 11 миллиард 200 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Шунингдек, муассаса хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган, замонавий 630 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ерда хозирги кунга қадар мавжуд бўлган 80 ўринли туғруқ мажмуаси ўрнида 110 ўринли туманлараро перинатал маркази ҳам ташкил этилгани Нишон ва қўшни ҳудудлар аҳолиси учун янги қулайликлар яратди.

Шунингдек, энди муассасада 20 ўринли кардиология, 65 ўринли терапия, (Неврология-эндокринология), 45 ва 20 ўринли жарроҳлик бўлимлари, кўшимча бинолар, боғ, сув ҳавзаси ва кислород станциялари ҳам хизмат кўрсатади.



Қамашида тадбиркорлар хиёбони

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23 январьдаги "Савдо-саноат палатаси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Қамаши туманида тадбиркорлар хиёбони ташкил этилди.

Унда инвесторларнинг бизнес лойиҳаларини муҳокама қилиш ҳамда "Б2Б" учрашувлари учун махсус хоналар мавжуд. Шунингдек, хиёбонда фаол тадбиркорларнинг эришган натижаларини намойиш этиш мақсадида йил давомида кўргазмалар ўтказиб борилади.

Марказнинг очилиш маросими тадбирида иштирок этган туман ҳокимлиги ва Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси раҳбарияти ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари у ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди.



Ун корхонаси фаолияти йўлга қўйилди

Қамаши туманидаги Гулистон маҳалласида тумандаги биринчи ун ишлаб чиқариш корхонасининг очилиш маросими ўтказилди. "Бўришо ая" фермер хўжалиги томонидан ишга туширилган ушбу корхонанинг умумий қиймати 6 миллиард сўмни ташкил қилади.

Мазкур корхонада Туркияда ишлаб чиқарилган энергия тежамкор технологиялар ўрнатилган бўлиб, унда йилга 10 минг тоннагача ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Хозирда бу ерда 20 нафар киши доимий иш билан таъминланган.

Корхона очилиши муносабати билан бўлиб ўтган маросимда туман ҳокими Ботир Тоғаев, тегишли ташкилотлар масъуллари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик иштирок этдилар.

Электр энергия ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушди

2022 йилнинг октябрь ойида вилоят ҳокими Муротжон Азимов ва Хитойнинг "Qashqi Conch Cement" корхонаси ўртасида имзоланган меморандумга кўра, 6 МВт иссиқлик энергияси ишлаб чиқариши куриш лойиҳасини амалга ошириш соҳасида сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш каби бир қатор истиқболли режалар белгиланган эди.

Шунга кўра, Китоб туманидаги мазкур хорижий корхонада умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларлик лойиҳа ишга туширилди. Иссиқликдан муқобил электр энергияси олишга мўлжалланган мазкур лойиҳа орқали 6 мегаватт-соат электр энергия ишлаб чиқарилмоқда. Бу орқали корхонанинг электр энергия истеъмоли 43 фоизга тежалиб, ортиб қолган электр аҳолига йўналтирилмоқда.



Аҳолининг қувончи чексиз



Бугун юртимизда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш ва аҳолининг кўп йиллик орзуларини ушалиши орқали уларнинг қувончига сабаб бўлаётган "Ташаббусли бюджет" жараёнида ғолиб деб топилган лойиҳалар бўйича қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда.

Жумладан, мазкур лойиҳа асосида Фўзор туманидаги "Жарарик" МФИда 3 километрга яқин йўл асфальтлаштирилди. Лойиҳани "Azat transglobal servis" МЧЖ қурувчилари сифатли тарзда амалга ошириб, аҳолига қувонч улашди.

Маълумот учун, вилоят бўйича "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида 1-навсумда ғолиб, деб топилган 261 та тақлиф учун 285 млрд сўм йўналтирилди. Жумладан, ички йўллар учун 162 млрд сўм, умумтаълим мактаблари 57 млрд сўм, мактабгача таълимга 5 млрд сўм, соғлиқни сақлашга 17 млрд сўм ҳамда бошқа тадбирлар учун 44 млрд сўм маблағ ажратилиб, ишлар авж паллага кирган. Бундан ташқари, "Менинг йўлим" лойиҳаси бўйича 33 та маҳалланинг ички йўллари таъмири учун 34 млрд сўм ажратилган. Бу борада ҳам ишлар самарали олиб борилмақда.

Албатта, олис қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган бу каби бунёдкорлик ишларидан кўзланган асосий мақсад – инсонлар турмуш даражасини яхшилашдан иборатдир.

"Талимаржон ИЭС" АЖда буғ-газ қурилмалари барпо этилмоқда

Испаниянинг "Intecsa Ingeniera Industrial S.A." ва Япониянинг "Mitsubishi Corporation" компаниялари ва "Иссиқлик электр станциялари" АЖ ҳамда "Талимаржон ИЭС" АЖда 1065 МВт қувватга эга навбатдаги буғ-газ қурилмаларини барпо этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида, энергоблоклар қурилишига старт берилди.

Мазкур лойиҳага кўра, 2025 йил якунига қадар станцияда умумий қуввати 1065 МВт бўлган навбатдаги иккита буғ-газ қурилмаларини қуриш ишлари олиб борилади. Қиймати 771,8 миллион долларга тенг лойиҳанинг бош пудратчилари сифатида Испаниянинг "Intecsa Ingeniera Industrial S.A." ва Япониянинг "Mitsubishi Corporation" компаниялари консорциуми иштирок этмоқда. Мазкур инвестиция лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унга кўра корхона томонидан йилга қўшимча 8,5 млрд кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, ушбу лойиҳа Самарқанд ва Бухоро вилоятлари истеъмолчиларини ҳамда Қарши магистраль каналидаги етти та насос станциясини ишончли электр энергияси билан таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Эътиборли томони, юқори тежамкор технологиялар ҳисобига 600 млн куб метр табиий газ тежаланишига эришилди. Яна бир жиҳати, атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар 1500 тоннага камайдига ҳамда 112 та янги иш ўрни яратилади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Маҳаллалар обод, кўнгишлар шод бўлмоқда

Азиз МАШРАБОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Президентимиз жорий йил 13 март куни Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Термиз шаҳридаги маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳоли учун қулай шароит яратиш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб берган эди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш учун мамлакатимизнинг жанубдаги дарвозасида йирик ҳажмдаги бунёдкорлик – ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, худуд қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Бунинг учун шаҳардаги 37 та маҳалланинг ҳар бирига икки миллиард сўмдан маблағ ажратилди.

Қадимий шаҳарда юз бераётган бу ўзгаришлар ёшу кексага бир олам қувонч улашиб, уларда фахр туйғусини уйғотмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган халқчил ислохотларга ишонч ҳиссини мустаҳкамлаб, ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда.

– Яқин йилларда ҳам вилоят марказидаги маҳаллалар кўчалари ёзда чанг, кишда лой бўлиб қолаверди, – деди Темирийўли маҳалласида яшайдиган меҳнат фахрийси Ҳамид Тошпўлатов. – Мана, бўлар экан-у, ўнқир-чўнқир ички кўчаларимизга бетон қоплама ётқизирилиб, равон йўллар бунёд этилди. Эсимни таниганидан буён тунда юрак тошга суринадиган кўчаларимиз ўрнида теп-текис йўл қурилди. Энди ёзда ҳам, кишда ҳам бу кўчаларда бемалол ҳаракатланиш мумкин. Бундай шароитлардан биз ҳам, фарзандларимиз, навараларимиз ҳам хурсанд. Бир йўла турар жой бинолари ҳам таъмирланиб, худуд ободонлаштирилмоқда. Замонавий инфратузилма яратилаётди. Ахир, бундай эътибордан суюнмай бўладими?

Айни пайтда шаҳардаги Маърифат, Мажнун-тол, Шодлик, Шифокор, Богошамол, Турон, Эски шаҳар, Абдурахмон Жомий, Меҳробод, Сурхон соҳили, Тупроққўрган каби маҳаллаларда бажарилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларини яқунлашга ҳозирлик қилинмоқда. Кўп қаватли тубдан таъмирланиб, атрофи тартибга келтирилляпти. Бўш майдонларда яшил худудлар яратилляпти. Ички йўллар таъмирланиб, пиёдалар йўлакчалари барпо этилмоқда. Мавжуд болар майдончалари замонавий кўринишга келтирилиб, янгилари қуриляпти.

Бозор – Термиз шаҳар марказидаги йирик маҳаллалардан бири. 1 минг 413 хонадонда 6 минг 480 га яқин аҳоли яшайди. 30 та кўп қаватли ва 667 та яқка тартибдаги уй-жой мавжуд. Олтита мактабгача таълим ташкилоти, битта давлат ва битта хусусий шифохона бор. Маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун ажратилган маблағ эвазига мактабнинг 15 та кўп қаватли уйда йирик ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилди. Турар жой биноларининг ташқи фасад қисми ва подвездлар ичкариси таъмирланди. Учта кўп қаватли уйнинг



том қисми янгиланди. Ташландиқ аҳволга келиб қолган чиқинди хона ўрнида янги замонавий кўринишдаги кад ростлади. Иккита Workout майдончаси барпо этилиб, мавжуд болар ўйингоҳларида барча шароит яратилди.

Инфратузилмаси янгиланган маҳаллада шунингдек, учта кўп қаватли уй олдида бетон қопламали автомобиль тураргоҳи қурилди. Ташландиқ майдонда аҳоли ҳордиқ чиқариб, сайр қиладиган янгица дизайнли хиёбон бунёд этилиб, яшил маконга айлантирилди. 200 га яқин турли дарахт экилди. Маҳалла худудида 550 метрдан ортиқ пиёдалар ва автомобиль йўлига бетон қоплама ётқизилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан уз-луксиз таъминлаш учун 1 минг 276 метр масофага сув қувурлари тортилди.

– Қисқа вақтда амалга оширилган қурилиш-ободонлаштириш юмушлари маҳалламиз қиёфасига янгица кўриниш бағишлади, – деди "Бозор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акмалжон Пардаев. – Чорак асрдан буён таъмирланмаган кўп қаватли уйлар атрофида аҳоли учун замонавий шароитлар яратилиб, турар жой бинолари янги кўринишда буй кўрсатди. Инфратузилмаси янгиланган маҳалламизни фойдаланишга топшириш маросими ҳам байрамона руҳда ўтказилди. Қўрсатилган гамхўрликлардан ёшу қари бирдек мамнун.

Хозирда Термиз шаҳридаги маҳаллаларда аҳолининг янада фаровон яшаши учун қулай шароит яратишга йўналтирилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Узоқ йиллик орзу амалга ошди

Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқувчилари ўқишни янги бинода бошлашади.

9 миллиард 170 миллион сўм маблағ эвазига амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш жараёнлари натижасида мактаб янгица қиёфага эга бўлди. Очиги, жамоа бундай кўркам ва замонавий мактабни узоқ йиллардан буён орзу қилган. Мана, мустақиллигимизнинг 32 йиллиги олдида уларнинг орзуси ушладди.

– Мактабимизнинг аввалги биноси 1184 ўринга мўлжалланган бўлиб, иккита ўқув биноси 1971-1978 йилларда қурилган, яна бир ўқув бино эса 1991 йилда бунёд этилган, – деди Вобкент туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Ғолиб Омонов Уза Мухбири Зариф Комилова. – Айни

пайтда бу бинолар анча эскириб қолган эди. Жорий йилда инвестиция дастури доирасида таълим муассасамизнинг 764 ўринли иккита блоги капитал таъмирланди. Эски ёғоч бино ўрнига 300 ўринли янги бино кад ростлади.

Замонавий дизайн асосида безатилган кенг ва шинам сифатли хоналари, фан кабинетлари, ранг-баранг адабиётлар билан бойитилган кутубхона, спорт зал, лаборатория хоналари – буларнинг барчаси ўқувчилар ихтиёрида.

Янги ўқув йилида мактабнинг 1-синфига 114 нафар болалар илк қадам қўйди. Уларни замонавий жиҳозланган синф хоналарида "Президент совгалари" кутмоқда.

Мактабда тайёргарлик байрамона. Албатта, ҳар бир берилётган имконият ортида масъулият, жаобгарлик туради. Жамоа аша шу масъулиятни англаган ҳолда янги ўқув йилида ўзгача шижоат билан янги марраларни кўзлаган.

ЯНГИ ЎЗБЕКISTON УЧУН!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Юқори Чирчиқда янги объектлар фойдаланишга топширилди

Шахноза МАМАТУРОВА, журналист.

Маҳалла азалдан миллий қадриятлар, эзгу амаллар ва яхши қўшничилик муносабатлари маскани бўлиб келган. Меҳр-оқибат кўрсатиш, эҳтиёжмандларга ёрдам, муҳтожларга қўмақ, беморлар ва ёлғизлар ҳолидан хабар олиш каби фазилатлар халқимизга хос анъаналардан ҳисобланади. Сўнгги йилларда Президентимизнинг маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига қаратаётган эътибори натижасида ушбу тизимда катта ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида 2021-2022 йилларда давлат-хусусий шерикчилик асосида инвесторлар томонидан намунавий лойиҳаларга кўра 38 та маҳалла фуқаролар йиғинлари биноси барпо этилди. Яқинда туман марказидан олис Т. Г. Хван номидаги, "Саховат" ҳамда "Навбахор" МФЙларида ҳам замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Тошкент вилояти ва туман ҳокимлари, корхона-ташкilotлар раҳбарлари, нурунийлар, маҳаллалар фаоллари иштирок этишди. Унда юртимизда маҳалла институтини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси, улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз бориб, буларнинг барчаси аввало, халқимиз розилиги, инсон қадрини учун хизмат қилаётгани таъкидланди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган ва барча шароитларга эга маҳалла фуқаролар йиғини бинолари фуқаролар учун ҳақиқий байрам тўхфаси бўлди.

– Шу вақтгача маҳалламизнинг ўз биноси бўлмагани учун турли жойда, ижарада фаолият олиб боришига тўғри келди, – деди Саховат маҳалласида яшовчи фаоллардан бири Абдуразақ Абдуқодиров. – Энди эса ўз биноимиз бор, хотин-қизлар фаоли, участка ноэри, ҳожим ёрдамчиси ва ёшлар етакчилари хоналари ҳам ёнма-ён жойлашган. Бу юртимизда олиб борилаётган оқилонга сиёсатнинг натижаси, маҳалла институтини учун яратилган имкониятлар.

Шунингдек, "Нури замин", "Саховат", "Янгиҳаёт", "Жалолтепа", Аҳмад Яссавий номидаги ва "Қизилсой" МФЙ аҳолисига хизмат кўрсатадиган 1-сонли маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳам ташкил этилди. Бундан ташқари, 17-сонли МТМ ҳам фойдаланишга топширилди. 305 ўринга



мўлжалланган мазкур муассаса "Обод қишлоқ" дастурига биноан 5 миллиард сўмга яқин маблағ эвазига бунёд этилган. Туманда ҳали тоза ичимлик суви етиб бормаган ҳудудлар ҳам бор эди. Айни пайтда энг чекка ҳудудларга ҳам сув қувурлари тортиляпти. Жумладан, жорий йилда 24 та маҳаллада 172,6 км ичимлик сув тармоқларини тортиш, 20 та ичимлик сув иншоотини реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, ҳозирда 90 фоз ишлар бажарилган.

Қурилиш соҳаси ходимлари байрами арафасида туманда узунлиги 96 метр, кенлиги 13 метр, умумий қиймати 17,4 млрд сўмлик янги кўприк ҳам фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳанинг

дастлабки қурилиш ишлари 2022 йилнинг сўнгги ойларида бошланган бўлиб, темир-бетон пойдеворлари босқич-ма-босқич тайёрланди. Ер ости йўл ўтказишида эса 50 дан ортиқ тажрибали мутахассис томонидан 10 дан зиёд замонавий техникалар жалб этилган ҳолда ишлар олиб борилди. Режага кўра, кўприкнинг фойдаланишга топшириш муддати шу йил ноябрь ойида эди. Эндиликда замонавий кўприк ёрдамида 10 мингдан зиёд маҳаллий аҳоли ва меҳмонларнинг вақти тежаланиши бўлди. Қолаверса, автоуловлар тирбандлиги барҳам топиши натижасида атроф-муҳит экологияси мусофафалиги ҳам яхшиланади.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғидан келиб чиқиб, мазкур туманда ҳам уй-жой қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётган. Жумладан, "Миробод" МФЙ ҳудудида янгидан бунёд этилган 8 та 7 қаватли, 364 та хонадонли уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Ушбу уй-жойлар қурилишида асосан маҳаллий материаллардан фойдаланилган. Сифат жиҳатидан замон талабларига жавоб беради ва ташқи коммуникация тизими ҳам тўлиқ яқунланган.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари натижасида одамларнинг ҳаёти яхшиланади, келажакка умид ҳисси янада кучаймоқда. Айниқса, Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллик байрами арафасида ҳудудларда барпо этилаётган кўп қаватли арзон уй-жойларга эга бўлаётган ёш оилаларнинг қувончи чексиз.

Ҳарбийларга янги уйлар топширилди

Мамлакатимизда мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг оилаларини учун муносиб шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ўтган йилларда миллий армияни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилиб, ҳарбийлар хизмат вазибаларини бекаму кўст адо этишлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

Масалан, 2019 йилда ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли кредитлар асосида 116 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Фақат сўнгги бир йилнинг ўзига 3 мингдан ортиқ ҳарбийлар уй-жой билан таъминланди. Ҳарбий хизматчилар ва соҳа фахрийларини, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш,

моддий ва тиббий таъминотини яхшилаш, ҳудудларда улар учун узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар асосида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш муҳим ва устувор йўналишлардан бирига айланган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги байрами арафасида Тошкент вилоятининг Бекобод ту-

манидаги Дехқонобод маҳалласида ҳам ҳарбий хизматчилар учун хизмат уйлари қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтган тадбирда туман ҳокими ва сектор раҳбарлари иштирок этиб, 30 нафар ҳарбий хизматчининг оилаларига барча шароитларга эга хонадонларнинг қалитларини топширди.

– Замонавий уйга эга бўлганимиздан мамнунмиз, – деди янги уй соҳибларидан бири Ш. Алимова. – Бу ерда ҳамма шароитлар мавжуд. Меҳмонхона, ошхона ва бошқа ёрдамчи хоналар дид билан жиҳозланган. Бу қўлайликлардан фаразандларимиз ҳам хурсанд. Турмуш ўртоғим Ватан олдидаги хизмат бурчини шараф билан бажариши учун шундай шароитлар яратиб берган давлатимиздан беҳад миннатдорим.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Форишда байрам тараддуди

Жиззах вилояти Фориш туманидаги маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 50 миллиард 874 миллион сўм маблағ ҳисобига 15 объектада қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шундан йўл инфратузилмаси бўйича 14 миллиард 253 миллион сўмлик, ичимлик сув таъминоти бўйича 15 миллиард 424 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилмоқда. Маҳаллаларга янги бинолар қуриш бўйича ҳам муайян ишлар бажарилди.

– 834 миллион сўм маблағ ҳисобига "Дўстлик" МФИда жойлашган 31-сонли умумтаълим мактабига 60 ўринли қўшимча бино, 18 миллиард 337 миллион сўм маблағ ҳисобига "Хонбанди" маҳалласидаги 13 кўп қаватли уйларга иситиш тизимларини ўрнатиш белгилан-

ган эди. Бугунги кунга келиб тумanning Амир Темури номи маҳалла Кўҳнабозор қишлоғида 21 километр ичимлик сув тармоғи тортилиб, бешта сув иншооти ўрнатилди. Мусокул Оролов номи маҳаллада 20 километр ичимлик сув тармоғи тортилиб, битта артезиан қудуқ қовланди, – деди туман камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи Шавкат Узоқов. Узоқов УЗА муҳбири Абдулазиз Қаюмовга. – "Эгизбулоқ" МФИда 8 километр, "Оқтепа"да 6 километрлик ичимлик сув тармоғи ва иккита сув иншооти, "Осмонсой" маҳалласида 2,5 километр ичимлик сув тармоғи ва 1 донга сув иншооти, "Оқтепа" маҳалласида 4 километр ичимлик суви тармоғи ва 1 донга сув иншооти бунёд этилди.

Шунингдек, тумандаги Оқтепа, Мустақиллик ва Қораабдол ота маҳаллалари учун янги маъмурий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хонбанди

маҳалласидаги 13 та кўп қаватли уйларга иситиш тармоқлари ўрнатилди.

Тумanning Ойбек номи, Ўзбекистон, Учма маҳалласида ички йўллар таъмирланиб, асфальт қоплама ётқизилди.

Айни кунда тумanning Амир Темури номи МФИда электр энергияси тармоқлари реконструкция қилинмоқда. Бу маҳаллада 5,5 километр ҳаво тармоқлари янгиланади, 5 та трансформатор пункти, 132 та янги темир бетон устунлар ўрнатилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 майдаги "2022-2023 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида тумандаги Богдон, Ўзбекистон, Ойбек номи маҳаллалар аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, форишликлар мамлакатимиз Мустақиллиги тантаналарини обод ва кўркам маҳаллаларда, барча қўлайликлар яратилган уй жой ва ижтимоий соҳа объектларида меҳнатдаги улкан ютуқлар билан кутиб олишга қарор қилган.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Эҳтиёжманд оилаларга эътибор ортмоқда

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирад Маҳкамасининг "Хоразм вилоятида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Урганч туманида оғир шароитдаги 1025 та хонадонда таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган. Шундан, 795 та хонадонда фақат том қисмини ёпиш ишлари амалга оширилиб, 22 та хонадонлар бузилиб, қайтадан қуриш ишлари бошлаб юборилган. Қолган 208 та хонадонда жорий таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти.

Шунингдек, тумандаги 60 та маҳаллада жами 213 км ички йўлларда жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тақрифлар берилган. Ҳозирги кунда Оқ мактаб, Шохидонлар, Қипчо, Ҳожибойлар, Оёқ боғ, Адонат, Ҳамид Олимжон, Бақайлар, Оқ ёп, Туркманлар маҳаллаларидаги 70 км дан ортиқ ички кўчаларга майдаланган тош қопламаси ётқириш ишлари амалга оширилди.

Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла

Янгириқ туманидаги Ширшоли маҳалласида Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла дастури бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Муҳими, одамлар ҳаётига ободлик мезонлари олиб кирилмоқда. Мақсад битта – чекка манзилларда обод гўшалар барпо этиш ва аҳолининг оғир шароитларини яхшилаш каби ибратли ишларни амалга ошириш.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 47 та эски симёғоч янгисига алмаштирилди. 55 та симёғоч жорий таъмирланмоқда. Бир километр узунликда сим кабеллари янгиланмоқда. Шунингдек, 3 та кўчада электр таъминотини яхшилаш учун янги трансформатор ўрнатилди. Маҳаллада газ, ичимлик суви каби муаммолар барҳам топишти. Худуддаги 2,8 километр ариқлар ва 2,4 километр зовурлар тозаланиб, ишчи ҳолатига келтирилмоқда. Булардан ташқари, 21 та якка тартибдаги хонадон ва 51 та хонадоннинг том қисми таъмирланмоқда. 63 та хонадонга тоза ичимлик суви ўтказиш ишлари ҳам амалга оширилди.

Қолаверса, ижтимоий соҳа объектларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, маҳалла маркази бунёд этиляпти. Унинг ёнгинида аҳолига сервис хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам қад ростлайди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла кун сайин обод бўлмоқда.

Йўли ободнинг эли обод

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида туманлараро ва қишлоқ йўлларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляётгани, йиллар давомида таъмирланмаган қишлоқ йўллари бугун раван ва текис асфальт кўчаларга айлантириляётганини кўриб кишининг ҳаваси келади.

Богот туманида ҳам бу борадаги ишлар жадал суръатда давом этмоқда. Жорий йилнинг олти ойи давомида 20 километр йўл жорий таъмирланиб, асфальт ётқирилди. Таъмирталаб кўприклар қайта қурилди. Тумanning Гулшан маҳалласининг Арчазор кўчасидан ўтган йўл қўшни қишлоқнинг Ортиқ Отажонов номи маҳалласига улашиб кетади. Бу йўл салкам 20 йиллардан бери таъмирланмай, ўйдим-чуқур, ёзда чанг, қишда лой, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланишига ноқулайликлар келтириб чиқаради. Эндиликда шу йўлнинг 6 километрида асфальтлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

– 4М1965 умумфойдаланадиган йўлнинг 14 дан 24 километр қисмига асфальт ётқирилди, – деди туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Худойберган Қурбанов. – Учта кўприк эса жорий таъмирланмоқда. Ҳозирда ишлар қизган.

Йўлсозлар Ўзбекистон Мустақиллигининг 32 йиллик байрами халқимизга қувонч улашиб, кўтаринки кайфиятда муносиб кутиб олишмоқда.

Ташаббусли бюджет маблағлари мактабларга

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 543 та умумий ўрта таълим мактаби, 10 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 363 та мактабгача таълим ташкилоти, 14 та "Баркамол авлод" болалар мактаби, жами 930 та таълим муассасаси фаолият юритиб келмоқда.



Айни пайтда таълим муассасаларини 2023-2024 янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумида барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2023 йилда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида 101 та муассаса, шундан, 91 таси умумий ўрта таълим мактаби, 2 таси ихтисослаштирилган мактаб, 8 таси эса мактабгача таълим ташкилоти ғолиб деб топилди, лойиҳа доирасида жами 90,2 млрд сўм ютиб олинди.

Ушбу маблағлар ҳисобига муассасаларни жорий таъмирлаш, дераза ромлар, иссиқлик тармоқлари ва қозонларни алмаштириш, ёзги айвончаларни таъмирлаш, қуёш панеллари ўрнатиш, мебель-жиҳоз, техник воситалари сотиб олиш ва ҳудудларнинг тева-рак-атрофини ўраш ишлари амалга оширилмоқда.

АҲОЛИ ХИЗМАТИГА ҲАМИША ШАЙ

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўз даврининг аънанасига кўра, Чиноз туманида ҳам намунавий лойиҳалар асосида икки қаватли турар жойлар қурилиб, уларга яқингача 13 та ширкат хизмат кўрсатиб келарди. Гапнинг рости, бу сингари ташкилотларнинг аксариятида кўп қаватли уй-жойларга замон талаби даражасида хизмат кўрсатиш юзасидан аниқ мақсадли иш режа йўқлиги туфайли таъмиргалаб уйлар сони ортиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганди.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан ширкатлар ўрнида бошқарув сервис компаниялари ташкил қилинган кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган фуқароларнинг йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларига ечим топишга имкон берди. Бугунги кунда компаниялар томонидан татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар туфайли қайтадан сайқаллаштирилган бинолар кўриниши ва яратилаётган қулайликлар билан янги уйлардан фарқ қилмайди.

Чиноз туманидаги мавжуд 63 та кўп қаватли турар жойларга хизмат кўрсатувчи Ерлан Садуев раҳбарлигида "БК касандра сервис" бошқарув компанияси иш бошлаган кунлар кишининг чилласига тўғри келди. Корхона ишчи-ходимлари дастлабки ишни уйлар атрофини қордан тозалаш, маҳаллалар раислари ҳамкорлигида фуқароларни тўплаб йиғилиш ўтказишдан бошлади. Аҳолига компанияни ташкил қилишдан кўзланган асосий мақсад ҳамда унинг иш режаларини тушунтириб, бу борда аҳоли билан мустаҳкам алоқа йўлга қўйилсагина натижага эришиш мумкинлиги айтилди. Турли ваъдаларни бериб, "хизмат кўрсатяпмиз" деб пул йиғишдан бошқасини билмаган ЖЭКлардан ҳафсаласи пир бўлган одамлар аввалига бироз ишонқирамаганди.

Орадан кўп ўтмай, Ёшлик маҳалласида жойлашган 9 та кўп қаватли уйнинг эллик йилдан буён таъмирланмаган том ва фасад қисми, кириш йўлаклари, ертўлалари тўлиқ таъмирланиб, ҳар иккита уй олдидан болалар учун ичмам спорт майдонлари қуриб берилди. Бу каби ишлар изчил давом эттирилиб, аҳолига қулайлик яратиш учун барчаси амалга оширилди. Компания томонидан ўзлари учун яратилаётган шароитлардан руҳланган фуқаролар ҳам кези келганда ён-атрофини ободонлаштириш ҳамда уйларга тегишли ҳудудларда ноқонуний қурилган қурилмаларни олиб ташлашга кўмаклашадиган бўлишди.

Кўпинча, бирор ишни бошлаш аввалида айримларнинг "Эскини ямаб, эсинг кетади", – деганини эшитамиз. Бироқ, бугунги кунда бундай гап-сўзларга асос йўқ. Зотан, сўнги йилларда республикамизда қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли она заминимиз бағридаги хомашёлардан турли хилдаги қурилиш материаллари тайёрланмоқда. Улар четдан импорт қилинаётганидан сифатли ҳамда арзон. Мазкур компания аъзолари ҳам бу шароитлардан фойдаланиб, ўзларига тегишли ҳудуддаги 1180 та хонадонда истиқомат қилаётган 3 250 нафар фуқарога қулайлик яратишга ҳаракат қилишмоқда.

Аслида, ана шу сингари ишларни ташкил этиш ва уларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш, асосан бошқарув компанияси раҳбарининг ташаббускорлиги ҳамда соҳани мукаммал билишига боғлиқ. Демокчимизки, "БК касандра сервис" компанияси раҳбари корхона ташкил қилганига қадар туман ҳокимлиги қошида шу соҳада кўп йиллар фаолият кўрсатиб, катта тажриба тўплаган. Ана шу тажрибаси айни пайтда аҳолига сифатли хизматлар кўрсатиш даражасини оширишда асқатмоқда. Орттирилган тажрибалар натижасида қисқа давр оралиғида ҳудуддаги 63 та кўп қаватли турар жойнинг асосий қисми мукаммал таъмирдан чиқарилиб, ён-атрофи ободонлаштирилди. 48 та ички кўчада босқичма-босқич қум-шағал ётқизирилиб, бетонлаштирилмоқда. Туну кун навбатчилик ташкил қилинган эса ҳар қандай аварияларни ўз вақтида барҳам топтирапти.

Компания ходимлари боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ногирони бор оилаларнинг хонадонларини ташкилот ҳисобидан таъмирлаб бериш ишларини ҳам амалга оширишди. Шундай хонадонлардан 12 тасига хизмат кўрсатилгани ҳудуд аҳолисининг ишончини янада орттиряпти.

– Компания фаолият бошлағунига қадар ҳудудда тўпланган баъзи муаммолар юзасидан дахлдор корхоналарга бир неча бор мурожаат қилганмиз, – деди "Ёшлик" МИФ раиси Камол Умироқов. – Лекин аксариятидан "Қурилиш материалларимиз йўқ" ёки "Ҳали ҳокимликдан маблағ ажратилмаган, кутаямиз", кабида жавоб олганмиз. Ҳукуматимиздан миннатдоримиз, Президентимиз ташаббуси билан бошқарув компаниялари фаолияти йўлга қўйилгач, материаллар захираси яратилиб, кўп қаватли уйлар таъмирдан чиқариляпти. Бундай шароитдан барчамиз мамнунмиз.

Ҳамза ШУКУРОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Самарқанд шаҳрининг Сартепа массиви йил сайин кенгайиб, аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланиб бораёпти. Эътиборлиси, ҳудудда янгидан турар жой биноларини барпо этиш тўхтаб қолган эмас. Янги уйларга талабдорлар ҳам кўп. Бу эса, массивда истиқомат қилувчиларга кўрсатилаётган хизмат сифатининг яхшиланишини талаб этади.

Ушбу масканда фаолият юри-таётган Азиз Расулов раҳбарлигидаги "Bio-tex-servis" бошқарув компанияси жамоаси аҳоли эъти-ёжларини қондириш йўлида бор имкониятлардан фойдаланмоқда. Хизмат ҳудуди кичик эмас. 45 минг 764 нафар аҳоли истиқомат қилувчи 500 гектарлик майдон. Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар сони 518 та. Улар 22301 хонадондан иборат.

– Компаниямиз 2022 йилда ташкил этилган, – деди БСК раҳбари Азиз Расулов. – Шундан буён аҳоли хизматидамиз. Фаолиятимиз шаффофлик услубида йўлга қўйилган. Ихтиёримизда 6 та техника воситаси мавжуд. Хизмат кўрсатишнинг барча турлари бўйича 193 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилаёпти. Ходимларнинг ўртача иш ҳақи 2 миллион сўмини ташкил этмоқда. Йил охиригача эса яна 100 та янги иш ўрни яратишни режалаштирганмиз.

Соҳада қарздорлик масаласи асосий муаммолардан бири. Тарқатиб юборилган 58 та собиқ ширкатнинг кредиторилик қарзлари 20 миллиард сўмини ташкил эта-

ди. Ҳозирги кунда бу миллиардлар музлатилган. Лекин нима бўлганда ҳам қарз, қарзда!

Бошқарув компанияси томонидан соҳага ўз маблағи ҳисобидан 4 миллиард сўмлик инвестиция маблағлари жалб этилган. Ушбу маблағ компания моддий-техник базасини янгилашга ҳамда кўп қаватли уйлар техник ҳолатини янада яхшилашга ва даромаддан бир қисмини қарздорликни сўндиришга йўналтирилаёпти. Компаниянинг шартнома асосида амалга оширилаётган қўшимча хизмат турлари ҳам мавжуд. Улар 44 хилдаги сервис хизмати кўрсатишдан иборат. Хонадон ичидagi сантехник ва электр хизматлари, маиший-техникаларни тузатиш, темир панжаралар ясаш, юк ташиш, кондиционер ўрнатиш, қурилиш чиқиндиларини ташитиш, дезинфекция хизматлари шулар жумласидандир.

Хуллас, компания жамоаси ҳа-миша аҳолига хизмат кўрсатишга шай. Бунинг учун улар бор имкониятлардан самарали фойдаланишди.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адилов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Мусулмонқулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-49 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-49 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: info@uzbunydokor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ

ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-837.
1625 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган кўлэмалар
тақрир қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – А. Эгамбердиев.

Ўза яқуни –
Топшириқ – 23.00.

12 3 4 5 6

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Гулқоғоз тарихи: тошдан қоғозгача бўлган даврни босиб ўтган

Райҳона ҲЎЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Қурилиш материаллари орасида гулқоғознинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу маҳсулот қадимдан то бугунга қадар катта тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтган. Натижада илк бор тошдан яратилган гулқоғоз ҳозирга келиб замонавий технология ёрдамида юзлаб турда ишлаб чиқарилмоқда.

Гулқоғоз – бино ичидаги девор ва шифт қопламаси учун ишлатиладиган пардозбоп қурилиш материал хисобланади. Урамга ўралган ҳолда кенлиги 0,53, 0,70, 1,06 метр, узунлиги 10 ва 25 метр асосий ўлчамларда ишлаб чиқарилади.

Қадимда Европада гулқоғоз қоғоздан эмас, балки тошдан ясалган бўлиб, девор ва шифтлар улар билан ўралган. Барокко даврида чармдан ясалган гулқоғоз кенг қўлланилган. Бу аънава Европада араб дунёсидан кириб келган. Аслида гулқоғозлар қадимдан Шарқий Осиё мамлакатларида (Хитой, Япония) кенг ишлатилган. Европада қоғоздан бўлган гулқоғоз XVIII асрда, биринчи қоғоз машинаси ихтиро қилингандан кейин кенг тарқалган. Қоғоз машинаси ҳар хил узунликдаги девор гулқоғозини чоп этишга имкон берган.

Гулқоғоз эшик табақалари ва мебелларга ҳам ишлатилиши мумкин. Унинг оддий (гулли, гулсиз, бир тусли ва ранг-баранг) ва намага чидамли, товус ютадиган хиллари ҳам мавжуд. Шунингдек, босма (А, А), нақшли босма (Б, Б), бурмали босма (В, В), такорланган (Г, Г) турдаги гулқоғозлар ҳам кенг қўлланилади. Намага чидамли гулқоғозинг сувга чидамли полимерлар қўшилган бўёқларда тайёрланадиган ва олд томонида (ўнгиди) полимер эмульсия ва локлар билан ҳосил қилинган химоя пардали босма хиллари бор. Булар илқ совулиги сув билан бир неча марта ювишга ва артишга чидади. Товус ютадиган гулқоғоз олд томони ҳар хил талаби материаллар (тўқимачилик саноати чиқиндисидан) ясалган тук қопламали қоғоз асосида тайёрланади. Бундай гулқоғознинг сирти чанг ютгич билан тозаланади.

Гулқоғозларга ишлатиладиган бўёқлар ёруғлик таъсирига анча чидамли бўлиши керак. Намага чидамли гулқоғознинг тескари томони елим элимга ёки елимсиз бўлади. Елимлиси девор ёки шифтга мустаҳкам ёпишади. Булардан ташқари, хили ва гуллига қараб мослаштириб хонанинг юқориги чети бўйлаб ёпиштириладиган қоғоз кошнлар – бордюр ва фризлар, тўлдиригич билан синтетик смола асосида тайёрланган пластик массадан иборат, қоғоз асосга туширилган бўртма гулли – материал линкстр, тескари томони махсус қоғоз билан химояланган елимли ёки елимсиз пардозбоп безак плёнка – поливинил-хлоридли ва бошқа хиллари ҳам ишлатилади.

Ҳозирги вақтда гулқоғозлар кўпинча полимер материаллар асосида тайёрланади. Уни ёпиштириш учун сирач ёки синтетик елимлар ва мастикалардан фойдаланилади. Қадимда Япония, Хитой ва Европада хоналар деворлари ҳамда шифтлари мато қоплаб пардозланган. Қоғоз ишлаб чиқариш ривожлангандан сўнг мато ўрнига гулқоғози ишлатилган.

Фарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канадада гулқоғоз ўрнига кўпроқ декоратив шукатурга ёки пластмассадан кўпроқ фойдаланилади. Қоғоздан



бўлган деворбоп гулқоғоз энг кўп МДХ давлатлари ва Шарқий Европада пардозлаш жараёнида ишлатилади. Япония, Хитой, Корея ва Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларида нафақат қоғоз, балки тўқилган пардозбоп қурилиш материаллари ҳам анча оммабон.

Деворлар учун мўлжалланган классик гулқоғоз ҳаво ва намлик ўтказувчанлик кўрсаткичи яхшилиги билан ажралиб туради. Аммо улардан юқори намлик ёки кучли хидли хоналарда, масалан, ошхоналарда фойдаланиш тавсия этилмайди.

Гулқоғозлар асосан декоратив функцияларни бажаради ҳамда бир вақтнинг ичиди деворлардаги тешиклар ва ёриқларни ёпади. Унинг ранги хонанинг ёритилиш даражасига, шинамлигига сабабчи бўлиб, инсонларнинг эмоционал ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, гулқоғозлар товусни ўтказмаслик функциясини ҳам бажаради, бунинг учун товусни ушлаб қоладиган тўқимачилик материалдан фойдаланилади.

Қоғоз гулқоғознинг сифати уларнинг умумий оғирлигига қараб белгиланади:

– энгил гулқоғоз (вазни 110 гр/м² дан кам);
– ўртача оғирликдаги гулқоғоз (вазни – 110-140 гр/м²);

– оғир гулқоғоз (вазни 140 гр/м²дан ортик).
Гулқоғозлар умумий ҳусусияти бўйича симплекс ва дуплекс турларга бўлинади.

Симплекс – бу битта қатламли гулқоғоз бўлса, дуплекс икки ёки ундан ортик қатламдан иборат бўлади.

Дуплекс одатда ташқи омиллардан сақловчи қўшимча қопламаларга эга гулқоғоз хисобланади. Масалан, бундай девор қоғози юқори даражадаги ёруғлик ва намликка чидамлилиги билан ажралиб туради. Шунингдек, кабртмали (тисенний) дуплекс гулқоғоз ҳам мавжуд бўлиб, ушбу турдаги материал носимметрик жойларни никоблаш хусусиятига эга эканлиги сабабли ҳам машҳурликка эришган. Материал 2 та қатламдан иборат бўлиб, юқори қатламда кабртма (тисенний) амалга оширилади. Шунингдек, гофровка қилинган дуплекс гулқоғоз ҳам мавжуд бўлиб, у флексография босма усулда ишлаб чиқарилади.

Юртимизда ҳам йилдан-йилга талаби ортиб бораётган пардозбоп гулқоғозлар ишлаб чиқариш, ушбу йўналишда хоржий инвесторлар иштирокини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳатто юртимизда ишлаб чиқарилаётган ушбу маҳсулот экспортга ҳам йўналтирилганини фахр билан айтишимиз мумкин.

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси томонидан 2020-2021 йилларда гулқоғозлар бўйича умумий қиймати 16 млн 300 минг доллар бўлган 3 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилиб, натижада гулқоғозларга бўлган ички талаб тўла қондирилиши кўзда тутилган. Бу вазифани бажаришда эса мазкур йўналишда янги корхоналар ташкил этилиши мўҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2019 йилда республикамизда дастлабки пардозбоп гулқоғозлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Pergament Quality

Exclusive" МЧЖда йил давомида 550 минг ўрам бўлган, 68,8 млрд сўмлик гулқоғоз тайёрланган. Эътиборлиси, шундан 1,9 миллион долларлик маҳсулот қўшни давлатларга экспорт қилинган.

Хоразм вилоятининг Тупроққоғоз туманида фаолият олиб бораётган "New Best Style" МЧЖ корхонаси эса юртимизнинг энг чекка ҳудудиди ҳам бренд яратиш мумкинлигини исботлаб берди. Унинг савдо белгиси "Max Deco" деб аталади ва бу ерда юртимиз учун жуда танқис ҳисобланган гулқоғозлар ишлаб чиқаришмоқда. Бугунги кунда юртимиз бозорларидаги гулқоғоз асосан импорт қилиб келинмоқда. Тупроққоғозда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот эса сифати жиҳатидан ҳеч бир хоржий рақобатдошидан қолишмайди. "Max Deco" гулқоғозларини бемалол ювиб, тозалаш мумкин. Айнан шу жиҳатига кўра ушбу корхона юртимизда ягона хисобланади. Корхона ўз фаолиятини 2019 йил декабрь ойида бошлаган бўлиб, ҳозирда унинг маҳсулотлари нафақат юртимиз, балки қўшни давлатлар бозориди ҳам талабгир. Корхона Хитой давлатининг "Kargos Group" ҳамда "Yien" сингари етакчи гулқоғоз ишлаб чиқарувчи корхоналари кўмағида ташкил этилган. Корхона йилига 750 минг донна гулқоғоз ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бугунги кунда унда 100 га яқин ходим фаолият олиб бормоқда. "New Best Style"нинг экспорт ҳажми йилига 1800 минг АҚШ долларига яқин. Унинг маҳсулотлари Россия, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, БАА ва Индонезия давлатларига етказиб берилмоқда.